

*Мухтарам мусулмонлар!*

Хозирги кийматчилик ва озиксизлик шул кадар кўркинчилик даражага бордики, кўп оилалар, факир ва бечоралар пулга ҳам озуктополмасдан, кўчаба-кўча саргардон бўлиб, неча кунларгача оч турмокка мажбурият кўрурлар. Хозирда давом этуб тургон дахшатлик уруш, бу йилги сувсизлик ва чоғирдка балолари бу холни минбаъд яна кўркинчилироқ даражага олиб борадиргонга ўхшаб кўринадур. Туркистон мусулмонларининг съезди мана шул холни эътиборга олинмак орамизда бўлуб тургон баъзи бидъат ва исрофот ишларини, чунончи, тўй, маърака, гап, базм, ялочи, козоклар орасидаги улок, пойга ва жаноза куни бўладургон исрофотни билкуллия бархам бермокга карор берди.

«Шўройи исломия»нинг 12 апрелда воқеъ умумий мажлисида Тошканднинг козилари ва уламолари ҳам бу ишнинг аксарини шариатга хилоф топдилар ва ўз оралариндан бир комиссия сайлаб, тўй ва маъракаларни шул комиссияларга топшурдилар.

Биринчи. Жаноза куни имом ва уламоларга йиртиш ва чопонлар улашмок, кариндош-уругларга кора кийимликлардек нимарсалар бермок, йугучи ва отунларга ижройи хизматларидан зиёда хар хил кийимлар бермок, отунлар келиб товуш чикориб ўкимок, садр килмок, хотунларга улашиладиргон етти, гул, ковокоши, кор ёғди, лайлак келди, ковун-тарвуз, йигирма, кирк, хайит, фотиҳа ва йил ошидек халкка ош бериладургон исрофдир; козоклар орасидаги йил оши, пойгалар ва ахли касабалар тарафидан арвох, пари исми билан бериладургон ош ва зиёфатларни йўқ килинди ва булар бадалига жаноза куни давлатлик кишилар уламо-имомларга пул бериш, хайрот килмоклари ҳам юкорида мазкур маърака кунларида махалладан уч-тўрт киши чакириб, хатми Куръон килдирмоклари мумкиндир.

Иккинчи. Киз тўйларида совчигарчилик, патир, кичик тўй, козон кайтариш, катта тўй, базм ва кеча исрофлари ва юз кўрар, хайитларда мол ёйиб, келин кўрмок, киз оши бермок ва никох кунларида ялочилар ўйнамок, ёр-ёр айтмок, хотунларнинг хар бирига алоҳида нон ва ошлар тортмок, «тўккиз-тўккиз», сандукларда чуриб кетадургон гулкўрпа, фалак, кўрпалардек фойдасиз моллар, кўчалардин миёнча кўтариб ёки ароба ва туяларга галла ва бошка хил нарсалар ортиб тўй юбормок, козоклардаги калин олмок ва шунга ўхшаш исрофот ва бидъатлар билкуллия мамнуъдир. Бунлар ўрнига келин ва куёв тарафлари кийим ва зарурият уй асбоблари тўгрисинда пул ила битишсунлар, ҳам никох куни куёв ўзи ошналари ва махалла кишилари бирлан бекарнай,

факат сурнай билан боруб, никох килурлар ва келин тараф ўз кариндошлари бирлан келинни олиб борурлар. Факат куёв ила борадургон кишиларнинг йигирма-кирк кишидан ошмаслиги лозимдур. Чорлари хам мартаба куни бўлиб, куёв ила бирга борадургон кишилардин келин ила борадургон хотунлар хам ўн кишидан ортук бўлмасун. Чорлари факат таом емок учунгина бўлиб, тугиб олиб кетмоклари ва яна бешик тўйи, чиллагаризонлар бутунлай йўқолиб битсунлар.

Учинчи. Ўгил тўйида атрофдаги махаллалардан одамлар чакируб, ош бермок, улок бермок, хотун оши бермок, хатна килинадургон болаларга наша ва хам кўчаба-кўча саргардон килиб, окча йигмок ва шунларга ўхшагон исрофлар билкуллия мамнуъдир. Факат давлатлик кишилар уламо ва имомларни чакируб, кичикрок бир мавлуд мажлиси ясаб ва факир кишилар махалладан уч-тўрт кишинигина чакируб, ўгилларини хатна килдирурлар.

«Шўройи исломия» давлатлик кишилардин илтимос киладурки, мавлуд мажлисини хам кўб катта юбормасдан, мумкин кадар касди риоя килсалар (тежаб сарф килсалар) хам тўйда... пул ва галла сарфи махаллаларидаги оч ва ялангоч, бева-бечораларга, мактаб ва мадраса ва «Жамияти хайрия»ларга берсалар.

Ушбу тартибга мухолифат килгон кишиларнинг маърака ва тўйлари тўхтамли ва айбнома (протокол) ёзуб, козиларга топшурмок ва шахар бошлукларига хавола килинади. Бундай кишиларга иттифоки муслиминни бу ким омилини ва шаръан харом бўлгон исрофгарчилигини белги учун мухтарам козилар шариатга мувофик каттиг жазога мустахик киладурлар. Мухтарам махалла имомлари ва махалла комитетларидин илтимос киладурки, ушбу эълонномани халкка тушунтириб, халкни ушбу тартибдан чикмаслигига таргиб ва ташвик килсалар эди. Чунки жаноби Хак таъолий исроф килгувчиларни суймас.

«Шўройи ислом» раиси муовини **Мунаввар кори**

Комиссиялар: **Мулло Саид Ахрорхон махзум, Мулло Муродхўжа эшон, Мулло Абдусамеъ кори.**

*«Нажот» газетаси, 1917 й., 27 апрел*

